

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
“КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ОЗИҚ – ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФЕДРАСИ**

**59-10 ООТ гуруҳ битирувчиси Амонкулов Дониёрнинг “Кокон ёғ-
мой” корхонасида унумдорлиги 250 т бўлган пахта чигитини УСМ
курулмасида тозалаш технологиясини лойиҳалаш” мавзусидаги**

**БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Рахбар:

А.Намозов

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....
2. Технологик схемани танлаш ва асослаш.....
3. Ишлаб чиқаришнинг назарий асослари.....
4. Технологик схема баёни.....
5. Хом ашё ва ёрдамчи маҳсулотлар тавсифи.....
6. Тайёр маҳсулот тавсифи.....
7. Маҳсулотлар ҳисоби.....
 - 7.1. Сув ва буғ сарфи ҳисоби.....
 - 7.2. Ускуналарни танлаш ва уларни сонини ҳисоблаш.....
 - 7.3. Ускуна ҳисоби.....
8. Ишлаб чиқариш жараёнининг назорати.....
9. Автоматлаштириш.....
10. Мехнатни муҳофаза қилиш.....
11. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш.....
12. Иқтисодий ҳисоблар.....
13. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва
14. Хулоса.....
15. Фойдаланилган адабиётлар.....

КИРИШ

Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда, айниқса ёғ-мой корхоналарининг ишлаб чиқариш, жахон бозори талабларига мос рақобатбардош ривожланишимизнинг асосий ва устивор вазифасидир – деган эди И.А.Каримов ўз нутқларининг бирида.

Мойли ўсимликларни етиштириш ва улардан мой олиш одамзод тараққиётининг қадимий даврларига бориб тақалади. Археологик ҳужжатлар Ғарб ва Шарқ мамлакатларида ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш одамзодга қадим замонлардан буён маълум эканлигини кўрсатади.

Ибтидоий жамоаларнинг табиатдан йиғиб олаётган ўсимлик мевалари ва овчилик билан ўзлаштириб олаётган ҳайвон ва паррандалар захираси одамларнинг истеъмол талабларини бора-бора қондираолмай қолди, жамоалар ва табиат ўртасида ҳаёт учун кураш кескинлашди. Бундай ҳолат ибтидоий жамоаларда катта иқтисодий ўзгаришлар ҳосил бўлишига замин яратди. Одамлар шу замонлардан бошлаб ёввойи ўсимлик ва ҳайвонларни маданийлаштира бошлади.

Миср пирамидалари ва эҳромлари очиб кўрилганда сопол идишларда ёғ маҳсулотлари, айрим ҳолларда пальма мойи қолдиқлари ва унинг парчаланишидан ҳосил бўлган пальмитин кислотаси топилган. Қадимги миср тарихчиларнинг берган маълумотлари бўйича, Нил дарёси соҳилларида тола ва мой олиш учун зиғир етиштирилган. Биринчи аниқ маълумотлар, эрамыздан олдинги ИИИ –ИИ асрларда, миср папирусларида ёзилган бўлиб, Мисрда зиғир, кунжут, канакунжут уруғларидан пресслаш йўли билан мой олинганлиги тўғрисида хабарлар қолдирилган. Ўсимлик мойлари пресслаб олинганлиги тўғрисида маълумотлар Юнонистон файласуфи Геродот (эрамыздан олдинги V аср) томонидан ҳам ёзиб қолдирилган.

Пахта ўсимлиги – ғўзанинг келиб чиқиши тўғрисида аниқ маълумотлар ёзиб қолдирилмаган. Шу нарса маълумки, пахта қадим замонлардан бери Ҳиндистон, Хитой, Миср, Шимолий Африка, Бразилия, Перу, Мексика мамлакатларида, Шарқий Осиё оролларида ва Ўрта Осиёда етиштирилган. Пахта маҳаллий ўсимлик

бўлганми, ёки бирон бир сабаб билан бу юртларга келиб қолганми – ҳечким билмайди. Кўпчилик муаллифлар пахтани туб маҳаллий ўсимлик ҳисоблаб, бунинг тасдиғига пахта чигитининг баъзилари силлиқ, бошқалари тукдор эканлигини, ўсимлик кўп йиллик эканлигини такидлашади, баъзилар эса – ғўза бир йиллик ўсимлик тоифасига киришини айтишади. Шу билан биргаликда оч қизғиш рангли Миср пахтаси ва бошқа турдаги пахта ўсимлиги борлиги тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Пахта ўсимлиги турлари кўп бўлишлигидан катъий назар, уларнинг барчасидан ҳайратда қоларлик даражада ўхшаш икки хил маҳсулот – пахта момиғи ва чигит олинади. Пахта момиғи асосан альфа-целлюлоза ҳисобланади, турли чигит таркибидаги мойлар эса физик ва кимёвий хусусиятлари билан бири-биридан кўп фарқланмайдиган липидлардан иборат.

Пахта хом ашёсидан тола ажратиш машинаси – “Жин” (джин) ихтиро қилинмагунча чигит мойли уруғ сифатида ишлатилмаган. Бу аппарат пайдо бўлгунча чигитдан тола ажратиш қийин бўлган. Шу сабабли пахта хом ашёсини етиштириш секин ривожланган. Эли Витней жин аппаратининг ихтирочиси ҳисобланади. У 1794 йилда жин аппарати учун патент олди. Аппаратнинг асосий элементи доира шаклидаги арра бўлиб, тор тирқичдан ўтаётганда арра тишларидан тола тирқич сиртига ўрнатилган мослама ёрдамида олиб қолинади. Бу принцип ҳозирги замонавий жин аппаратларида ҳам сақланиб қолган.

Мойли уруғлардан ёғ олиш Шарқда қадимдан маълум бўлса ҳам унинг технологик жараёнлари ёзиб қолдирилмаган. Туркистон ўлкаси пахтачилик соҳасида қадим замонлардан буён дунёга машҳур. Иқлим, ер-сув шароитининг қулайлиги сабабли пахтадан (ўз даври учун) мўл ҳосил олиб келинган. Дехқонлар пахтанинг бир қисмини шахсий эҳтиёжларини қондириш учун ип, бўз, газлама тайёрлашга олиб қолиб, кўп қисмини савдогарларга сотганлар. Ўлкада пахта тозалаш корхоналари бўлмаганлиги сабабли пахта, чигитдан ажратилмаган ҳолда, чет элга чиқарилган, фақат чигит қисман қовун уруғи, кунжут, зиғир уруғлари ва мева данаклари мағизи билан аралаштирилиб, мойжувозларда мой олинган. Бундай ёғлар *зиғир мойи* деб аталишига сабаб, жувозга солинаётган мойли уруғларнинг

камида ярми зиғир уруғи бўлган. Шу даврларда, фақат Фарғона водийсида 4300 дан ортиқ мойжувозлар бўлган.

Туркистон ўлкасидан пахта ҳосили кўплаб четга олиб кетилиб, унинг ўрнига тайёр газлама келтириб сотиш кенг йўлга қўйилди. Лекин пахтани чигити билан ташиб юришдан фойда камлиги сабабли Туркистонда бирин-кетин пахта заводлари қурила бошлади.

В.Г.Гофмейстернинг “Ўрта Осиёда пахта чигитининг ишлатилиши” ва К.А.Александрнинг “Туркистон ўлкасининг саноат корхоналари” китобларида пахта-мой саноатининг пайда бўлиши ва ривожланиши тўғрисида баъзи бир маълумотлар келтирилган. Бу маълумотларга кўра Ўрта Осиёда қадим замонлардан бери ўсимлик мойини олиш “мойжувозларда” – мойли маҳсулотни эзиб, сиқиб олиш қурилмаларида бажарилган. Мойжувознинг идиши ва ўқи махсус шароитда қурилган ва тарашланган заранг дарахтидан ясалган. Битта мойжувознинг қуввати жудаям кичик бўлишига қарамай, ҳаммасини биргаликда қўшиб ҳисоблаганда, ишлаб чиқарилаётган мойнинг миқдори туб аҳолининг ўсимлик мойларига бўлган истеъмол талабини қондира олган.

Қўқондаги биринчи пахта-мой заводини ака-ука Вадьяевлар сотиб олишди ва янги машиналар билан жиҳозлашди. Янги ускуналарни ўрнатиш саноатда ишчи ўринларнинг ўсишига олиб келди. 1904 йилда заводдаги ишчилар сони 87 кишига етди, улардан 49 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди. Аммо 1910 йилга келиб ишлаб чиқаришда кескин тушкунлик юз берди, бунинг устига ускуналар ҳам эскириб қолган эди. Корхона эгалари, ҳозирги кундаги данакли уруғлар заводи жойлашган ерда, янги завод қуришни режалаштиришди. 1910 йилнинг август ойида янги, каттароқ қувватга эга бўлган мой заводи ишга туширилди.

1922 йил 10 июнда “Қовунчи” қишлоғида Янгийўл мой заводи қурилиб ишга туширилди, бу революциядан кейин Ўзбекистонда қурилган биринчи мой заводи эди. Ўша пайтда завод саккизта мой пресслари билан таъминланган эди, 1929 йилда тўққизинчи пресс, 1930 йилда яна иккита гидропресс ўрнатилди. Заводда 1936 йилдан 1939 йилгача муҳим реконструкция ишлари олиб борилиб, яна учта пресс ва қўшимча битта қовуриш қозони ишга туширилган, чигит тозалаш цехи

кенгайтирилган. 1956 – 1960 йиллар давомида, Украинага кўчириб юборилган қанд заводи территориясида, янги мой заводи қурилди. Янги заводда 14та шнекпрессли форпресс цехи, иккита НД -1250М линияли экстракция цехи, 10 минг тонна пахта чигитига мўлжалланган механизацияланган чигит омбори қурилди. 1960 йилдан бошлаб янги завод ишга туширилди ва корхонага “Ёғ-мой комбинати” деган мақом берилди ва комбинат таркибига Алимкент мой заводи киритилди. Комбинатнинг қуввати пахта чигити бўйича қунига 560 тоннага етказилди. 1967 йилан шу бугунги кунгача Янгийўл ёғ-мой комбинатида ишлаб турган цехларнинг йирик реконструкцияси, техник жиҳатдан қайта қурулганиши, янги саноат объектларининг қурилиши ва ишга туширилиши муносабати билан корхона қуввати пахта чигитини қайта ишлаш бўйича 800 *т/кун* дан ошиб кетди.

Навбатдаги завод Фарғона шаҳрида қурилди ва 1930 йили 24 та гидропрессли мой заводи ишга туширилди. Ҳукумат 1934 йилда ёғ саноатида мойларни экстракциялаб олишни қўллаш ҳақида қарор қабул қилди. Шунга кўра Каттакўрғон мой заводида биринчи экстракция цехи ишга туширилди.

Ўзбекистон мой заводлари ўзларининг ривожланишини тубдан ўзгартира бошлади. Қолоқ майда корхоналар ўрнига йирик заводлар қурила бошлади. Ўзбекистонда ва Туркистон республикаларида 1936 йилгача 10 та йирик завод қурилган эди. Улардан тўққизтаси 540та линтерлар ва 112та пресслар билан, биттаси – Каттакўрғон ёғ-мой заводи 16 батареяли экстарактор билан таъминланди. Бу заводлар 1937 йилда 830000 *т* пахта чигитини қайта ишлаш қувватига эга бўлди, яъни 1912 йилга нисбатан унумдорлик 2,7 марта ортди. Бу заводлар ичида бўлган, 1936 йилда қурилган, юқори қувватли Каттакўрғон экстаракция цехининг пайдо бўлиши, Ўрта Осиё ва айниқса Ўзбекистонда, олдинга техник жиҳатдан катта қадам ташлаш бўлди. Бу цехининг қурилиши ёғ-мой саноатининг техник жиҳатдан қанчалик олға кетганлигини ва келажакда асосий ривожланиш йўналишини аниқловчи корхона эканлигини тасдиқлади.

Ёғ-мой саноатининг ривожланишига 1941-1945 йиллардаги уруш ҳам жиддий халақит берди, янги заводлар қурилиш суръати сусайди. Алимкент, Денов, Гиждувон, Хўжайли, Хива, Манғит, Қўнғирот ва Чимбойда 1943-1946 йилларда

кичик мой заводлари қурилиб, ишга туширилди. Кейинги йилларда Қўқон, Учқўрғон, Бухоро ва Қарши шаҳарларидаги мой заводларда экстракция цехлари қурилди. Шундан кейин пахта заводлари берадиган ҳамма чигит республикамизнинг ўзида қайта ишланадиган бўлди. Натижада, урушдан кейинги ўн йил ичида (1945-1956 йиллар) мой ишлаб чиқариш 2,8 марта ошди. Кўп маҳсулот берадиган Андижон, Асака, Фарғона, Янгийўл ва бошқа заводларда экстракциялаш усулини қўллаш режалаштирилди ва жорий қилинди.

Республикамиз ёғ-мой саноатининг ривожланишида машинасозлик саноатининг ўсиши ва олимларимизнинг саноат илғорлари билан ҳамкорликда ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш ва ёғларни қайта ишлаш фанларини ривожлантиришдаги ютуқлари катта роль ўйнади. Шу билан биргаликда республикамизда одамларни иш билан банд қилиш ва аҳолини юқори сифатли мой билан таъминлаш мақсадида ёғ-мой саноатини ривожлантириш лозим эканлигини мамлакатимиз президенти ўз маърузаларида ва чиқишларида таъкидлаб ўтдилар. Раҳбаримиз бу йўналишга эришмоқ учун нима қилиш керак деган саволга шундай жавоб берадилар: “Бунинг ҳозирча фақат битта чораси бор – иш ўринлари яратиш лозим. Бунинг учун ишлаб чиқариш таркибини шундай қайта қуриш зарурки, одамлар ўзлари яшаётган жойидан узоққа кетмасдан, самарали меҳнати ҳисобидан керакли даромадга эга бўлсин. ... Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш калити – Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир”.

2. Технологик схемани танлаш ва асослаш

Ёғ-мой корхоналарига пахта чигитида турли чиқинди ифлосликлар ҳам мавжуд бўлади. Улар ифлос аралашмалар (органик ва минерал аралашмалар, мойли аралашмалар, турли ўсимликларнинг уруғлари) ва металл аралашмалардан иборат.

Уруғларнинг ифлосланиши олинадиган маҳсулот сифатини бузади. Мойни йўқолишини оширади, ускуналарнинг синиш ва емирилишини тезлатади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтиради. Хом ашё таркибидаги ифлос, мойли ва металл аралашмаларни имкон борича тўлиқ ажратиб олиш керак.

Мойли уруғлар қайта ишланишдан аввал тозалаш жараёнидан ўтади. Хом ашёни тозалаш усуллари қуйидагича:

1. хом ашёни аралашмадан уларнинг шакли ва ўлчамлари турлилигига асосланган элакли ғазларда тозалаш усули.
2. хом ашёни аралашмаларидан уларнинг аэродинамик хусусиятларининг фарқлилигига асосланиб тозалаш усули.
3. уруғлик ва аралашмаларнинг металл магнитик хусусиятларига асосланиб ажратиш усули.

Биринчи усул билан хом ашё тозаланганда асосан турли кўринишдаги элакли сиртлардан фойдаланилади. Элакни сиртлари текис айланма шаклда кўп қиррали барабанли шаклда бўлиши мумкин. Элакни сиртларда бир ёки бир неча бор маҳсулот тозаланишидан қатъий назар асосий маҳсулот ўртача ўлчамга тенг бўлган аралашмалар маҳсулот таркибида қолаверади. Шу туфайли хом ашёни тозалашда фақатгина элакни сиртлар ишлатилмай бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет аэродинамик сепараторлар ва электромагнит сепараторлар ҳам ишлатилади.

Пахта чигитидан оғир аралашмаларни енгил органик ва минерал ифлосликлардан тозалашда УСМ уруғ тозалаш қурилмасидан фойдаланилди. УСМ қурилмаси асосан 3 қисмдан ибора; таъминлагич, чўктириш камераси ва генерацион сепаратор.

Технологик нуқтаи назардан мойли уруғлар икки қисмдан иборат. Қобиқ ва мағиз таркибидаги моддалар миқдори турличадир. Уруғ қобиғида асосан, клетчатка ёки целлюлоза кўп бўлиб, улар билан бир қаторда камроқ миқдорда юқори

малукулали углеводлар, мумли моддалар миқдори турличадир. Уруғ қобиғида асосан, клетчатка ёки целулоза кўп бўлиб улар билан бир қаторда камроқ миқдорда юқори малекулали углеводлар, мумли моддалар ҳамда озроқ миқдорда оксил ва сув бўлади.

Пахта чигити қобиғининг ботаник мойлилиги 0,5-0,6% атрофида бўлади. Пахта чигити мағизи мойлилиги эса 34-38%ни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, мойли уруғларда мой асосан мағизиди бўлар экан. Агарда мойли уруғларни қобиғи ажратилмасдан қайта ишланса, бу ҳолда олинаётган ўсимлик мойи таркибига қобиқ таркибиди бўлган юқори молекулали углеводлардан мум сифат моддалар ўтиб қолади. Бу ҳол олинаётган ўсимлик мойи сифатини бузилишига ва айнан кислота сонини ошишига, мойнинг ранг сони тўқлашишига ҳамда мойнинг лойқаланишига олиб келади. Улардан ташқари қобиқ ажратилмаган ҳолда уруғлик қайта ишланса технологик жараёнда қўлланилаётган машиналарнинг бир қисм маҳсулдорлиги мойи ниҳоятда кам бўлган, қобиғини янчиш, пресшлаш, экстракция қилиш ва бошқа жараёнлар учун сарфланади. Умуман олганда бутун бир цехнинг маҳсулдорлиги ниҳоятда кам бўлган қобиқни янчиш, пресшлаш, экстракция қилиш ва бошқа жараёнлар учун фарқланади. Шунинг учун имконият борича максимал равишда қобиқни мағиздан ажратиш кераклиги эътиборга сазовардир. Баъзи бир мойли уруғларнинг қобиғини ажратиш анча мушкул ёки технологик нуқтаи назардан мумкин эмас. Буларга рапс, каноп, кунжут, кўкнори уруғлари киради. Кунгабоқар, пахта чигити, ерёнғоқ, канақунжут ва шунга ўхшаш уруғларни қайта ишлашда албатта, қобиғини мағиздан ажратиш йўли билан олиб борилади. Мой олиш технологиясида бу технологияни бажариш уруғларни чақиш ёки кесиш билан амалга оширилади. Ҳосил бўлган маҳсулот тўлиқ чақилган бўлса, чақилма тўлиқ чақилмаган мойли уруғларни эса ярим чақилма деб аталади.

Мойли уруғларнинг хусусиятлари уларнинг механик қаттиқлиги, эластиклик ва пластиклиги билан белгиланади. Уруғларнинг эластик ва пластик унинг намлигига ҳам боғлиқдир. Намлик ошиши билан уруғ қобиғининг эластиклиги камайиб, пластиклиги ортади. Шунинг учун мойли уруғнинг хусусиятини ҳисобга олиб, уларни чақишда турли усуллар қўлланилади. Кунгабоқар уруғи ўта мўрт

бўлгани учун, бу турдаги уруғлар уруш усули билан чақилади. Пахта чигитига эса дискли чақиш машиналари қўлланилади.

Чақилган маҳсулот таркибида озгина бутун уруғлар, йирик ва майда қобик ёки шулха, бутун ва оқшоқ мағиз, ҳамда ниҳоятда майдаланиб кетган мағиз – мойли чанг бор. Чақилган маҳсулот бир неча турдаги компонентлардан иборат бўлганлиги сабабли, энди асосий мақсад маҳсулотдан тўлиқ равишда мағизни ажратиб олишдир. Бу мақсадда қуйидаги принциплардан фойдаланилади. 1. маҳсулот компонентларнинг турли ўлчамларга эга бўлганлиги сабабли уларни турли катталиқдаги элакларда элаш усули. 2. маҳсулот компонентларининг аэродинамик хусусиятларига асосланиб, уларни ҳаво сепораторларига ажратиш усули. Пахта чигити чақилмасини элакли машиналар ёрдамида мағиз ва қобикда ажратилади ва тебранувчи элакли машина, ҳамда биттер сепоратор пахта чигити учун қулайдир

Ўсимлик мойлари ишлаб чиқаришда майдалаш – янчиш жараёни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мойни ва ускуналарни унумдорлигига катта таъсир кўрсатади. Одатда мойли уруғни ўзи (зиғир, рапс, каноп) ёки мағизи (кунгабоқар, пахта чигити, канақунжут) майдаланади ҳосил бўлган маҳсулот янчилма дейилади. Янчилмадан мой олишда бутун уруғдан мой олишга қараганда кам куч сарфланади.

Мағиз ёки уруғни янчишдан мақсад пресслаш ва экстракциялаш жараёнида кўпроқ мой олиш учун хужайралар структурасини иложи борича максимал даражада бузишдир.

Янчилмани майдаланиш даражаси оптимал бўлиши керак. Агар материал жуда майда бўлса, у зичлашиб қолиб, эритувчи ва сувни ўтиши қийинлашади. Майдалаш натижасида материални структураси бузилиб ички юза ташқи юзага айланади, хужайралар орасидаги тўсиқлар очилади, бу умумий юзани кўпайишига олиб келади. Майдалаш жараёнида структурани бузилиши билан биргаликда мойни жойлашиши ҳам ўзгаради.

Хужайра ўлчовлари парчаланиб мой тутувчи қисмдан ажралиб чиққан мой заррача юзасини юпқа парда ҳолида қоплайди. Бу ҳолат кейинги мой олиш жараёнига ижобий таъсир қилади.

Саноатда янчиш учун асосан эзиш ва кесиш усулларидан фойдаланилади. Бу усулларни қўллаш кенг миқдорда тарқалган беш валли янчиш машиналари ва энг охирги вақтида эса СКЕТ фирмасининг янчиш аппаратлари ФВ-600 ишлатилади. Агар янчиш машиналарининг валикларининг айланиш тезлиги бир ҳил бўлса, у вақтда маҳсулотга фақат эзувчи кучлар таъсир этади. Агар тезлик бир ҳил бўлиб валикларнинг сиртларида ингичка ариқчалар бўлса бир вақтнинг ўзида маҳсулотга эзувчи ҳамда кесувчи кучлар таъсир этади. Агар шу шароитда валикларнинг айланиш тезлиги турлича бўлса, бунда маҳсулотга бир вақтнинг ўзида эзувчи, кесувчи ва ишқаланувчи кучлар таъсир этади.

Янчилмани қовуришдан мақсад мағиз таркибидаги фақатгина пахта чигити мағизиди бўладиган модда госсиполни ёғга ўтказиб шрот таркибидаги госсиполни миқдорини камайтириш ва ёғни чиқишини яъни прессларда чиқишини осонлаштириш.

Янчилмани қовуришда қасқонли қовуриш қозонларидан кенг фойдаланилади. Ёғ-мой саноатида Ж-62А, Ж-63, Ж-68 каби қовуриш қозонлари ишлатилади. Юқоридаги қовуриш қозонларидан Ж-68 кенг ишлатилади.

Шундай қилиб менинг технологик схемамда қовуриш қозони Ж-68дан фойдаланиш яхши самара беради.

Пресслашдан мақсад қовурмани сиқиб ёғини олиш.

Ёғ-мой соноатида МП-68, Г-24, ХСП-18, МП-63 каби форпресслар ва экспеллер пресслари қўлланилади.

МП-68 форпресси бошқа форпрессларга қараганда анча қулай ва бир қатор афзалликларга эга, МП-68 форпресси ишчан, кичкина, унумдорлиги юқори. Прессга берилётган қовурма ҳам мойни яхши чиқиши учун муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари пресс оптимал ҳароратда ишлаши керак, шунда ёғ олиш бир ҳилда кетаверади. Агар исиган прессга қовурма кам берилиб қолинса, куйиб кетади ва кунжара кўмир бўлиб қолади. Биз технологик схемага МП-68 форпрессини танлаб оламиз.

Қора ёғни тозалаш 2 босқичга бўлинади. Дастлабки тозалаш ва сўнги тозалаш рафинация.

Филтрпресслаш вақтида ёғ билан суспензия тарозида аралашма ташкил қилган ҳар ҳил моддалардан тозалаш учун ёғ албатта сузгичдан ўтказилади.

Қора ёғни дастлабки тозалашда филтрпресслардан кенг фойдаланилади. Чунки филтрпресс бошқа тозалаш ускуналарига қараганда бир қатор афзаллик ва қулайликларга эга.

Филтрпресс қурилмаси юзасининг бирлигига нисбатан филтрлашнинг солиштирма юзаси анча катта ускунанинг анча ҳаракатланувчи қисмлари йўқ, айрим плиткаларини ишлатмасдан қўйиш мумкин, филтрловчи юза бирлигига нисбатан юқори иш унумдорлигига эга.

Тиндириш усулида ишловчи ускуналарда маҳсулот узок муддат энг камида 10 ёки 12 соат давомида тинч ҳолатда қолдириш лозим, бу эса ишлаб чиқариш унумдорлигини тушириб юборилади.

Барабанли, дискли ва рамали филтр-пресслар ичида қора мойни бирламчи тозалашда юқорида айтиб ўтганимиздек рамали филтр-пресслар кенг қўлланилади.

Шундай қилиб биз технологиямизни амалга ошириш учун яъни қора мойни бирламчи тозлашда рамали филтр-прессларни ишлатиш қўллаш яхши самара беради. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда биз қуйидаги технологик схемани ташкил этишни танлаб оламиз.

3.ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Уруғларни тозалашни аҳамияти. Мойли уруғлардаги аралашмалар. Уруғларни ўлчамлари ва аэродинамик хусусиятларига қараб тозалаш усуллари.

Мойли уруғларни қуритиш ва намлаш назариясининг асослар. Қуритиш жараёнида уруғларни биокимёвий-физиологик хусусиятларининг ўзгариши. Қуритиш жараёнини олинаётган мой сифатига таъсири.

Мойли уруғларда ҳар хил аралашмалар бўлади. Булар қуйидагиларга бўлинади.

1. Ифлос аралашмалар (минерал ва органик).
2. Мойли аралашмалар
3. Метал аралашмалар

Минерал аралашмалар: тупроқ, кум, тош ва ҳаказолар киради. Органик аралашмаларни барглар, хазон, уруғ пўчоғи, пояси ва ҳоказо.

Мойли аралашмалар: бутунлай ёки қисман майдаланиб кетган асосий маданий ўсимликлар уруғлари, зараркунандалар томонидан емирилган, эзилган, ўз - ўзидан қизиб кетиши натижасида бузилган, моғорлаган, куйиш натижасида мағиз ранги ўзгарган (сарик рангли тўқ жигар ранггача), пишмаган, (ривожланмаган, музлаган, қирқилганда яшил рангли уруғ палласи бўлган) – эзилган чақилган уруғ ёки мағиз, хом мағиз ва ҳоказолар. Уруғларнинг процентларда ифодаланган тозалик даражаси қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин.

$$X=100 - (A+B/2)$$

Бу ерда, А – ифлос аралашмалар миқдори, %

Б – мойли аралашмалар миқдори, %

Тозалик даражасига кўра мойли уруғлар уч категорияга бўлинади: тоза, ўртача тозаликдаги ва ифлосланган. Уруғлар тозаланмасдан сақланган ҳолларда, улардаги аралашмалар омборхоналарнинг фойдали ҳажмининг кўп қисмини ишғол қилади, бу уруғларни сақлашни қимматлаштиради. Тозаланмаган уруғлар бир жойдан бошқа жойга узатилганда жуда кўп чанг чиқади ва меҳнат шароитлари ёмонлашади.

Минерал аралашмалар туфайли уруғларда замбруғ ва моғор микроорганизмлари тарқалади, уруғларнинг ўз-ўзидан қизиб кетиши содир бўлади. Уруғлар қуритилганда аралашмалар қуритгичларда тиқилиб қолиб ёнғинга олиб келиши мумкин.

Уруғларнинг ифлослиги ҳар томонлама ёмон таъсир кўрсатиши мумкин, яъни ундан олинаётган мойнинг сифати ёмон бўлади, чиқаётган мой миқдори камайиб кетади ва техникаларни бефойда ишлашга таъсир кўрсатади.

Минерал аралашмалар ускуналарнинг ейилишини тезлаштиради, кунжарадаги, шротдаги оксил миқдорини камайтиради, кулнинг миқдорини оширади, шротдаги мой миқдорини камайишига олиб келади, мойни таъмини бузади ва унинг тахрланишига олиб келади.

Органик аролашмалар, қобик хужайраси (клетчатка) – кунжара ва шротнинг озиқа сифатини ёмонлаштиради, мойнинг йўқолишини оширади.

Мойли аралашмалар тайёр маҳсулотнинг сифатини ёмонлаштиради. Бу аралашмаларнинг кўп миқдорда бўлиши, мойни истеъмол қилиб бўлмаслик даражасигача олиб келади, чунки мойнинг кислота сони кўпайиб кетади.

Металл аралашмалар – машиналарнинг емирилишини ва синишини оширади, кунжара ва шротнинг озиқа сифатини ёмонлаштиради.

Ушбу салбий таъсирлар бўлмаслиги учун мойли уруғлар қайта ишланишдан олин икки даврда тозалаш жараёнидан ўтади:

биринчи хом ашёни сақлашдан олин тозалаш;

иккинчи қайта ишлашдан олдин тозалаш ёки саноат учун тозалаш.

Хом ашёни тозалаш усуллари ва принциплари қуйидагича:

1. Хом ашёларни аралашмадан уларнинг шакли ва ўлчамларига асосланган, элакли юзаларда тозалаш усули;

2. Хом ашёни аралашмалардан уларнинг аэродинамик хусусиятларидан фарқланишига асосланиб тозалаш усули;


3. Уруғлик ва аралашмаларнинг металломагнит хусусиятларнинг фарқланишига асосланиб тозалаш усули;

4. Мойли уруғларни аралашмалардан сув ёки бирор бир эритма ёрдамида ювиб тозалаш.

5. Мойли уруғларни аралашмалардан механик таъсир ёки ишқалаш йўли билан ажратиш бу усул куруқ ҳолатда ювиш усули.

И. Мойли уруғларни аралашмалардан уларнинг ўлчамларига қараб ажратиш усули.

Бу усул билан ҳам ашё тозаланганда асосан турли кўринишдаги элакли сиртлардан фойдаланилади. Элакли сиртлар текис айланма шаклда, кўп қиррали барабанли шаклда бўлиши мумкин. Қайси тур ишлатилишидан қатъий назар бир элакли сиртдан иккита фракция, яъни элак устидан тушувчи фракция ва элак орасидан ўтувчи фракция (проход) ҳосил бўлади.






Элакли сиртларда бир ёки бир неча бор маҳсулот тозаланишдан қатъий назар асосий маҳсулот ўртача ўлчамга тенг бўлган аралашмалар маҳсулот таркибида қолаверади. Бу қолдиқ аралашма тозаланган ҳам ашёнинг қолдиқ ифлослигини деб аталади. Шу туфайли ҳам ашёни тозалашда фақатгина элакли сиртлар ишлатилмай бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет аэродинамик сепараторлар ва электромагнит сепараторлар ҳам ишлатилади. Ҳам ашёни элакли сиртлар ёрдамида унумли тозалаш учун ҳам ашё таркибидаги компонентларнинг ўртача узунликларини ёки ўртача диаметрини билиш лозим. Лаборатория доирасидан ёки махсус справочникларда маҳсулотнинг ва унинг ичидаги аралашмаларни ўлчамлари ўзгаришини кўрсатувчи вариацион эгри чизиқлар графиги бўлади. Бу графикларга қараб, маҳсулотни аралашмадан тўлиқ ажратиш учун керак бўлган элак диаметрлари аниқланади.

1 – ҳолда. Асосий маҳсулот ва аралашмаларнинг вариацион эгри чизиклари бир-бири билан кесилмайди. Бу ҳолда агар элакнинг ўлчамлари d_2 ; d_3 ; d_4 ва d_5 га тенг қилиб олинса, маҳсулот аралашмадан деярли тўлиқ ажратилади.

2 – ҳолда. Элакнинг ўлчамлари d_2 ; d_3 ; d_4 ; d_5 ларга тенг бўлганда асосий аралашмаларни тўлиқ ажратилмайди, яъни маҳсулотнинг бир қисми майда аралашмалар ичида, яна бир бошқа қисми йирик аралашмалар ичида қолади, шу билан бирга аралашманинг бир қисми ҳам маҳсулот таркибида қолади.

3 – ҳолда. Элакнинг ҳеч бир ўлчами d_1 ; d_2 ; d_3 ; d_4 маҳсулотни аралашмадан ажратишга имкон бермайди.





Хом ашёдан аралашмаларни ажратиш учун металллик штампланган элаклар ҳамда туқилган элаклар ишлатилади.

Доира шаклидаги тешикли элаклар саноатда кенг қўлланилади ва умуман олгандан металл штампланган элаклар ўзининг чидамлилиги билан узок муддатда фойдаланиш имконини беради, лекин металл элакларнинг фойдали юза коэффициентлари унчалик катта эмас ва 50-60 % атрофида

$$K = 0,5-0,6.$$

Доира шаклидаги элакларнинг ўлчамлари 0,8-4,0 мм гача бўлади. Ўзунчоқ формадаги тешикларнинг ўлчамлари эса $v = 0,5-1,0$ мм, $l = 10-50$ мм

Тўқилган элаклар темир, мис, капрон, нейтрон ёки оддий иплардан тўқилган бўлиши мумкин. Тешикларининг шакли эса бу ҳолда квадрат бўлади ва тўқилган элакларнинг авзаллиги уларнинг фойдали юза коэффициенти

$$K = 0,5-0,85, \text{ ўлчамлари эса } 0,6-0,9 \text{ мм бўлади.}$$


Аммо тўқилган элакларнинг механик чидамлилиги паст ва тез узилиб кетганлиги сабабли саноатда кам ишлатилади, ундан ташқари қаттиқ эланаётган маҳсулот таъсирида тўқилган ипларнинг силжиши туфайли тешикларнинг ўлчамлари турлича бўлиб қолади. Саноатда ишлатилаётган барча турдаги элакни юзалар 4 хил турда харакатланиши билан характерланади:

- 1) Маҳсулот харакати йўналиши бўйича олд ва орқа томонга йўналган харакат.
- 2) маҳсулот харакати йўналишига кўндаланг равишда олд ва орқа томонга бўлган элакнинг харакати.
- 3) Элакнинг айланма бўйлаб харакати бунда маҳсулот эса спирал йўналишида бўлади
- 4) Элакнинг вертикал йўналишда юқори частотали тебранма харакати

Кўрилган турдаги элак харакатидан энг кўп (1) ва (4) ҳолатлари ишлатилади. Қайси турдаги элак ишлатилишидан қатъий назар маҳсулотнинг йўналиши элакнинг бир томонидан иккинчи томонига силжиши билан бориши учун элакларнинг горизонтал текисликка нисбатан қиялиги $8-14^\circ$ да олинади.

2.Мойли уруғларни аралашмалардан уларнинг аэродинамик хусусиятларига қараб тозалаш. Маълумки элакли сиртларда уруғ таркибидаги аралашмани тўлиқ ажратиш мумкин эмас, шу туфайли икки усулни қўллаш лозим бўлади.

Қаттиқ заррачалар ўзларини ҳаво оқимида турлича тутати, яъни бирон бир ҳаво йўналтирилатган труба ичида бир дона қаттиқ заррача бўлса, уч ҳил ҳолатни кўришимиз мумкин.



K - заррача оғирлиги

F -куч

1) $K > P$

2) $K < P$

3) $K = P$

Ҳаво оқими

1- ҳолатда заррача оғирлиги K ҳаво оқимининг (оғир) босимидан катта бўлгани учун заррача пастга тушади.

2 - ҳолатда эса заррача ҳаво оқими билан олиб кетилади.

3 - ҳолатда эса заррача оғирлиги ҳамда унга таъсир қилувчи куч P га тенг бўлгани учун заррача ҳаво оқимида муаллақ туриб қолади. Технологик нуқтаи назардан 3-ҳолат аҳамият касб этиб, бу кучнинг қийматини Ньютон формуласи билан аниқлаш мумкин:

Заррачанинг критик тезлиги деб шундай ҳаво оқимининг тезлигига айтиладики, бу вақтда заррача ҳаво оқимидан тушиб кетмайди, яъни заррача ҳаво

оқимида бир хил тебраниш ҳолатида бўлиб айланиб туради. Ифодаланган фикрлар турли зичликка эга бўлган моддаларни ҳаво оқимида ўзларини қандай тута билишини кўрсатади ва заррачаларнинг бу хусусиятлари уларнинг аэродинамик хусусиятлари деб тушинилади, яъни бирон бир тезликка эга бўлган ҳаво оқими критик тезлиги катта бўлган заррачаларни учириб кета олмайди. Критик тезлиги кичик бўлган заррачаларни осонликча учириб кетади. Қаттиқ моддаларнинг бу аэродинамик хусусиятларидан фойдаланиб, ёғ-мой саноатида ишлатилаётган ҳаво сепаратори қўлланилади.

Буларга: ЗСМ; КДП; ПОП; ЧСП; УСМ ускуналар киради.

Мойли уруғларни аралашмалардан уларнинг магнит хусусиятларига қараб ва сув ёки эритмада ювиб тозалаш усули. Маълумки, мойли уруғлар ва уларнинг таркибидаги минерал ҳамда органик бирикмалар ва баъзи бир рангли металл қолдиқлари магнит майдонда қутубларга тортилмайди. Шунинг учун хомашё таркибидаги магнит майдон таъсир қилувчи аралашмаларни доимий магнит, электро-магнит ёки электро-магнит сепараторлари ёрдамида ажратиб олинади. Доимий магнит ишлатилган пайтда бир неча такасимон магнит бирлаштирилиб, маҳсулот ўтаётган лента ёки нов, атрофига қўйилади. Фақат доимий магнит қуввати кам бўлгани учун ва магнит \қуввати секин-аста камайиб борганлиги учун ҳозирги пайтда купроқ доимий электр оқими ёрдамида ҳосил қилинувчи электромагнит ишлатилади. Электромагнит ҳаракатдаги маъсулотнинг тепа томонига осиб қўйилади. Маҳсулотдаги металл аралашмалари тортиб олинади. Бу ҳусусда айниқса электромагнитларга нисбатан электромагнит сепараторлари кўпроқ эффект беради.

Саноатда энг кўп тарқалган электромагнит сепараторлари:

ДЛС; СКЕТ – ГДР да; СЭ МДХ да

Юқорида изоҳланган учала усул билан баъзи бир аралашмаларни ажратиб бўлмаган ҳолда маҳсулотни «қурук» ювиш усули қўлланилади. Маълумки, кўз пайтида йиғилган мойли уруғлар устига лой ёки лой билан аралаш баъзи бир ифлосликлар уруғ устига қаттиқ ёпишиб қолган ҳолда бўлиши мумкин. Бундай пайтда хом ашёни қарама - қарши ёки паралел йўналишда ҳаракатланаётган ленталар ёки щёткалар орасидан ўтказиш мумкин. Лента ёки щёткаларнинг

ишқаланиш натижасида уруғлар юзасидан ёпишиб қолган ифлослик ажратиб олинади, яъни хом ашёни «курук» ювиш содир бўлади.

Бу усул хом ашёни тозалашга кўл келмаса, у ҳолда хом ашё устида қотиб қолган ифлосликни сув ёки бирон эритма ёрдамида ювиб ташланади.

Замонавий қуриштиш назарияси асосини, материал билан намлик орасидаги боғланиш турларини, материал ичига иссиқлик ва намликни ўтказиш қоидаларини, қуриштилаётган материал юзасига атроф муҳитдан иссиқлик ва масса алмашилиши қонуниятларини ўрганиш ташкил этади.

Мойли уруғлар турли шаклдаги энергия боғларига эга бўлган намлик сақловчи капилляр-ғоваксимон каллоид материалдир. Материал билан намликни боғланиш характери, асосий ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Материал билан намлик орасидаги боғланиш шаклини бир неча классификация схемаси мавжуд.

Профессор П.А.Ребиндер классификацияси бўйича моддалар таркибидаги сув 3 хил турда боғланган ҳолда бўлади: химиявий, физик-химиявий ва механик.

Кимёвий ёки стехиометрик боғланган сув. Бу турдаги боғланган сув маҳсулот билан кимёвий боғ орқали боғланган бўлиб, сувни маҳсулот таркибидан сиқиб ёки буғлатиб чиқариш ниҳоятда катта иссиқлик энергияси талаб қилади. Саноат доирасида қуриштилаётган хом ашёдан бундай турдаги сувни оддий қуриштиш йўли билан учиртиш мумкин эмас. Мойли уруғлар таркибида кимёвий боғланган сув ниҳоятда кам бўлиб, фақат маҳсулотнинг таркибидаги минерал моддалар билан бириккан бўлади.

Масалан: $\text{CaCO}_3 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$; $\text{CuCO}_3 \cdot \text{H}_2\text{O}$

Физик-кимёвий боғланган сув. Бу турдаги сув қаттиқ маҳсулот таркибида адсорбцияланган ҳолда, осмотик равишда ютилган ҳолатда, ҳамда структурали сув ҳолатида бўлади. Қуриштиш даврида биринчи навбатда структурали, кейинчалик осмотик ютилган ва охирида адсорбцияланган сув учиб чиқади.

Механик боғланган сув. Бу турдаги сув асосан хом ашё таркибидаги макро ва микро капиллярлар ичидаги сувдан иборат. Бу капилляр ичидаги сув капилляр юзаси тортилиш кучи ва босим таъсирида ушланиб турилади. Қуриштиш пайтида бирчи галда маҳсулотни пишириш учун сарф бўлган сув учиб кетади, кейинчалик эса

капилляр боғланган сув учади. Механик боғланган сувни учириш учун эса иссиқлик энергия сарфланади. Юқоридаги сувнинг боғланиш турларига караб, саноатда бир неча турдаги қуритиш усуллари қўлланилади.

Мойли уруғларни қуритишнинг асосий турлари ва усуллари. Хом ашёни қабул қилишдаги қуритиш. Бундан асосий мақсад қабул қилинган хом ашёнинг намлигини сақлаш учун керак бўлган оптимал намликкача туширишдан иборатдир, яъни қуритилгандан сўнг хом ашёнинг намлиги уни критик намлигидан паст бўлиши керак.

Мойли уруғларни қайта ишлашдан олдин саноат миқёсида қуритиш. Бу қуритиш турини қўллашдан мақсад хом ашёнинг намлигини бўлажак технологик жараёнларга керак бўлган намликкача етказиб олишдан иборат.

4.Технологик схема баёни.

Омбордан чигит лентали транспортёрда (1)га келади ва шнекга (2)га тушади. Шнекдан чиқиб бункерга (3)га тушади. Ишлаб чиқаришши чигит билан тўхтовсиз таъминлаб бериш учун бункер 15 минутли захирага эга. Бункердан чигит таксимловчи шнек (4) ёрдамида тарозиларга (5)га узатилади. ДХС -150 тарозиларда тортилган чигит шнек (6) орқали УСМ ускунасининг таъминлагичи (7)га берилади. УСМ пахта чигити таркибидаги оғир минерал ва енгил органик аралашмалардан тозаланади. Чигит таъминлагичда майда минерал аралашмалардан тозаланиб бу ерда чигит бир хил кенглик ва қалинликда аспирация каналига узатилади. Уруғлар ва енгил аралашмалар вентилятор орқали хосил қилаётган ҳаво оқими бўйлаб юқорига кўтарилади.Оғир аралашмалар эса пастда қолади. Каналдан уруғлар ва енгил аралашмалар чўктириш камерасига ўтаётган (8),чигит чўктириш камерасига тушади ва у ердан шнек (12)га тушади. Енгил аралашмалар эса ҳаво оқими давом этиб циклонга бориб тушади,у ердан шнек (11) орқали ташқарига чиқариб юборилади. Тозаланган чигит шнек (12), нория (13) ва шнек (14) орқали намлаш бункери (15)га тушади.

Чигит тозалангандан сўнг чақишга тайёрлаш учун уни намлаш оптимал ҳолатга келтириш учун намланади. Намланган чигитнинг намлилиги уларнинг мағз намлигига қараб белгиланади. Бу намлик қуйидагича белгиланади. 1-3 навлар учун 8,5-9,5%, 4 навлар учун эса 9,5-10,5%дир. Ушбу ҳолатдаги намланган чигитни чақиш, чақилган маҳсулотдан қобикни ажратиш, ҳамда мағизини янчиш учун оптимал намлик деб ҳисобланади. Намлаш камералари (15)да чигит 12-16 соат давомида тоза сув ёки технологик буғ ёрдамида намланади. Намланган чигит шнек (16), нория (17) ва таксимловчи шнек (18) орқали чақиш ускунаси (19)га берилади. Чақиш ускунасидан чиққан чақилма кўш ромли элаклар (20) да эланади. Ажралган мағиз, иағиз учун шнек (21)га тушади. У ердан мағиз йиғма шнек (25)га тушади ва янчишга берилади. Кўш ромли элакдан чиққан ярим чақилма Биттер-сепоратор (23) устидаги таксимловчи шнек (22) орқали Биттер-сепоратор (23)га тушади. У ердан мағиз ва ярим чақилма бир-биридан ажратилади. Мағиз, мағиз учун шнек (25)га тушади, ярим чақилма эса шнек (24), нория (26) ёрдамида иккиламчи марта чақилиш

учун тақсимлаш шнек (27)га берилади. Тақсимловчи шнек (27) дискли чақиш ускунаситга узатилади. Ярим чақилма таркибида қолган (30%)гача бутун чигитлар иккинчи чақишга берилади. Чақилмани ажратиш учун қўш ромли элак (29)га тушади. Чақилма қўш ромли элак (29)дан тақсимловчи шнек орқали (30) иккиламчи Биттер-сепоратор (31)га берилади. Иккинчи Биттер-сепораторда шелухадан тўлиқ ажратилади. Шелуха, шелуха учун шнек (32)га тушади ва омборга жўнатилади. Мағиз эса мағиз учун йиғма шнек (25)га тушади ва нория (33) орқали тақсимловчи шнек (34)га узатилади. Тақсимловчи шнек эса мағизни янчиш ускунаси (35)га берилади ВС-5 янчиш ускунасида янчилган мағиз янчилма учун шнек (36)га тушади ва форпресс цехига юборилади.

5. Хом ашё ва ёрдамчи маҳсулотлар тавсифи.

Пахта чигити. Пахта чигити уруғ қобиғи – шулха ва ядродан иборат. Уруғ қобиғи билан ядро орасида ҳаво қатлами бор. Шулханинг таркибига асосан клетчатка киради. Ядро сезилдарли даражада мой ва оксил моддалардан иборат. Ҳозирги вақтда 20дан ортиқ пахта чигити мавжуд.

Пахта чигитининг характерли жихати унинг ядросидаги сариқ пигментда, яъни госсиполда намоён бўлади. Чигитдаги госсипол миқдори чигитнинг ўсиш шароити пишганлиги, навига ҳам боғлиқ бўлади. Ингичка толали пахта чигити таркибидаги кўра кўпроқ бўлади.

Госсипол ва унинг ва унинг ҳамроҳ моддалари масалан, госсиполпурпурин пахта чигити ядросининг таркибида 100дан 400ммк гача бўлади. Юқорида қайд этилган моддаларнинг деворлари целлюлозадан, пектин билан шимдирилган гелицеллюлозадан ташкил топган.

Госсипол токсин модда бўлиб, нерв толаларини ва қонни заҳарлайди. Пахта чигитида қайта ишлаб чиқарилган маҳсулотлар: ёғ, кунжара ва шрот таркибидаги госсиполнинг ранги. Токсинлиги ўзгариб боради. Пахта чигитини қайта ишлашда юқоридаги факторлар ўзгариб боради.

Ёғ-мой саноатида ишлатиладиган пахта чигити навларининг кимёвий таркиби, %да қуйидагича:

Чигитда ядро таркиби.....	35 – 71
Шулха таркиби.....	29 – 65
Мойнинг таркиби:	
Чигитда.....	15,9 – 28,6
Мағизда.....	34,1 – 46,8
Қобиғда.....	0,32 – 1,24
Протеин миқдори.....	16,8 – 29,4
Умумий фосфотидлар.....	0,76 – 1,77
Мағиз таркибида.....	0,11 – 0,15
Клетчатка миқдори.....	12,4 – 18,7
Кул миқдори.....	2,3 – 4,7

Азотсиз экстрактив моддалар миқдори.....	26,3 – 29,0
Госсипол миқдори:	
Эркин.....	0,002 – 1,640
Боғланган.....	0,08 – 0,70
Пахта чигитида ошловчи моддалар.....	8,5 – 9,5
Витаминлардан рибофловин.....	0,23 мг%
Панителин кислота.....	1,1 мг%
Никотин кислота.....	1,6 мг%

ва бошқалар ҳам бўлади.

Техник талаблар:

1. Техник чигит, таркибидаги нуқсонли чигитнинг массавий улушига қараб тўртта саноат навига бўлинади: И, ИИ, ИИИ, ИВ.

И ва ИИ навлардаги техник чигит тукдорликнинг массавий улушига қараб, 1,2,3 синфларга бўлинади.

2. Чигит 1, 2 кўрсатилган талабларни қаноатлантириши керак.

Саноатга келаётган пахта чигити О`з ДСт 596:2009 талабларига жавоб бериши керак. Пахта чигитининг физик кимёвий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган

5.1-жадвал

Чигит нави	Нуқсонли чигитнинг массавий улуши, %, кўпи билан	Чигит синфи	Намликнинг массавий улуши, %, кўпи билан (чегаравий)	Тукдорликнинг массавий улуши, % (базавий)	
				Вўзанинг ўртатолали навлари	Вўзанинг узунтолал и навлари
И	1,5	1	7,0	7,0 дан кўп эмас	2,0 – 6,5
		2	10,0	9,0 дан кўп эмас	-
		3	10,0	10,5 дан кўп эмас	-

ИИ	3,0	1	9,0	8,0 дан кўп	3,0 – 7,5
		2	11,0	эмас	-
		3	11,0	9,0 дан кўп эмас 10,5 дан кўп эмас	-
ИИИ	11,0	-	12,0	7,0 – 11,0	4,0 – 8,5
ИВ	33,0	-	13,0	8,0 – 13,0	4,5 – 9,0

5.2-жадвал

Чигит нави	Чигит кесимидаги мағизнинг ранги
И	Вўзанинг селекция навига қараб салгина яшил ёки бошқа ранг аралашган оқ-сарик рангли
ИИ	Вўзанинг селекция навига қараб салгина бошқа ранглар аралашган оқ-сарик рангли
